

СУРХОНДАРЁ ШАРОИТИДА УРЧИТИЛАЁТГАН ҚЎЗИЛАРНИНГ ЁШ ДИНАМИКАСИ АСОСИДА ЭКСТЕРЬЕР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Ўринбаева М.М.

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти таянч докторанти, Сулейманова М.М.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ассистенти

Нарзиева Ф.Ф.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети мустақил изланувчи (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада қоракўл қўй зотли, жайдари зотли ва хисори зотли қўзиларнинг ёши динамикаси экстерьер кўрсаткичлари аниқланган ва шу кўрсаткичлар асосида хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: экстерьер, қоракўл, жайдари, хисори, ўлчам

ОЦЕНКА ЭКСТЕРЬЕРНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ ВОЗРАСТНОЙ ДИНАМИКИ ЯГНЯТ, ВЫРАЩЕННЫХ В УСЛОВИЯХ СУРХАНДАРЬИ

Уринбаева М.М.

Докторант научно-исследовательского института каракулеводство и экологии пустынь,

Сулейманова М.М.

ассистент Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводство и биотехнологии,

Нарзиева Ф.Ф.

соискатель (PhD) Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводство и биотехнологии

Аннотация. В данной статье определены внешние показатели возрастной динамики овец каракульской, джайдарской и ягнят гиссарских пород и на основании этих показателей сделаны выводы.

Ключевые слова: экстерьер, каракуль, джайдар, гиссар, размер

ASSESSMENT OF EXTERIOR INDICATORS BASED ON THE AGE DYNAMICS OF LAMBS RAISED IN THE CONDITIONS OF SURKHANDARYA

Urinbaeva M.M.

Doctoral student at the Research Institute of Karakul Breeding and Desert Ecology,

Suleymanova M.M.

assistant at Samarkand State University of

Veterinary Medicine, animal husbandry and biotechnology,

Narziyeva F.F.

independent researcher (PhD) at Samarkand State

University of Veterinary Medicine, animal husbandry and biotechnology

Annotation. *In this article, external indicators of the age dynamics of Karakul, Jaidar sheep and Hissar lambs are determined and conclusions are drawn based on these indicators.*

Key words: *exterior, karakul, djaidar, hissar, size.*

Кириш. Бутун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш глобал муаммо даражасига чиққан бугунги даврда, мамлакатимизда ҳам аҳолини озиқ-овқат хусусан, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳукуратимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланган. Республикаимизда чорва моллари бош сонини ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда, натижада чорва моллари бош сони ҳамда гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш салмоғининг йилдан-йилга ошиши кузатилмоқда.

Кўйчилик дунё чорвачилигининг барча ҳудудларида ривожланган муҳим тармоғи ҳисобланиб, ушбу тармоқни ривожлантириш яйловлардан унумли фойдаланиб гўшт, жун, барра тери, пўстинбоп тери, сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Шунинг учун уларнинг маҳсулдорлик ва биологик хусусиятларидан фойдаланиб маҳсулот етиштиришнинг инновацион технологияларни яратиш ва кенг жорий этиш, кўп миқдорда хом-ашё ва озуқабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта имкониятлар яратиши мумкин.

Кўйчилик қадимдан ҳар доим қишлоқ хўжалигининг ажралмас қисми бўлиб, оғир табиий-иқлим шароити, ижтимоий-иқтисодий, мамлакатлар ва минтақаларни миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг учун зарур хом-ашё турлари, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаб келган. Кўйларни урчитиш билан дунёнинг деярли барча мамлакатлари шуғулланилади.

Тадқиқот ўтказиш жойи ва ашёлар. Тадқиқотлар Сурхондарё вилояти Қўмқўрғон тумани Боботоғ МЧЖда ўтказилди.

Тажриба давомида фермер хўжалигига тегишли ҳар хил яйловлардан фойдаланилди. Тажрибада хисори, қорақўл ва жайдари зотли кўйлардан

фойдланилди. Улар ёши бўйича бир хил, соғлом қўйлардан гуруҳлар тузилди. Биринчи гуруҳга қоракўл зотли қўзилар, иккинчи гуруҳ жайдари зотли ва учинчи гуруҳ эса хисори зотли қўйлардан иборат бўлди.

Тажриба давомида олинган маълумотларнинг барчаси биометрик усулда қайта ишланди.

Тажрибадаги қўзиларнинг экстеръери аввал кўз билан баҳоланиб, сўнгра махсус асбоблар ёрдамида ўлчовлар олиниб, тана тузилиш индекслари зоотехнияда умумий қабул қилинган услубларда ҳисобланди ва биометрик ва статистик ишлов берилди.

Тадқиқот натижалари. Қўзиларнинг тана ўлчамлари бўйича кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал**Ҳар хил зотга мансуб бўлган тажрибадаги қўзиларнинг тана ўлчамлари (n=20)**

кўрсаткичлар	Тана ўлчамлари, см			
	Туғилганда	15 кунлигида	4,5 ойлигида	6 ойлигида
Қоракўл қўй зоти				
Яғрин баландлиги	38.6±0.16	45.6±0.04	60.3±0.47	66.2±0.14
Гавданинг қия узунлиги	28.6±0.09	38.9±0.17	51.0±0.18	50.8±0.13
Кўкрак айланаси	38.2±0.14	47.7±0.42	70.7±0.21	78.8±0.16
Билакузук айланаси	6,1±0,03	7,24±0,06	8,57±0,23	10,8±0,07
Кўкрак кенглиги	15.2±0.11	15.4±0.18	20.9±0.14	20.6±0.11
Кўкрак чуқурлиги	11.3±0.11	17.5±0.15	21.7±0.18	21.9±0.12
Жайдари қўй зоти				
Яғрин баландлиги	41.3±0.11	45.6±0.19	53.4±0.18	68.0±0.11
Гавданинг қия узунлиги	36.7±0.12	39.1±0.18	53.5±0.15	52.6±0.15
Кўкрак айланаси	42.3±0.35	47.8±0.38	71.0±0.22	80.7±0.17
Билакузук айланаси	6,1±0,08	7,30±0,06	8,70±0,06	12,4±0,09
Кўкрак кенглиги	10.6±0.11	15.4±0.13	21.9±0.12	22.8±0.11

Кўкрак чуқурлиги	15.7±0.21	17.7±0.19	22.5±0.11	26.4±0.19
Хисори қўй зоти				
Яғрин баландлиги	40.8±0,28	49.9±0.19	67.2±0.11	70.1±0.16
Гавданинг қия узунлиги	33.4±0,35	43.2±0.22	59.6±0.29	66.3±0.27
Кўкрак айланаси	44.5±0,17	56.4±0.14	86.5±0.14	90.4±0.18
Билакузук айланаси	6,1±0,03	7,44±0,06	9,04±0,06	12,8±0,08
Кўкрак кенглиги	11.9±0,06	16.2±0.08	22.4±0.09	22.8±0.05
Кўкрак чуқурлиги	14.4±0,11	19.1±0.09	28.1±0.13	29.4±0.09

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан шуни таҳлил қилиш мумкинки, қўзилар туғилганда яғрин баландлиги кўрсаткичи бўйича қоракўл қўзиларида 38.6 ± 0.16 см, жайдари зотли қўзиларда 41.3 ± 0.11 см ва хисори зотли қўзиларда 40.8 ± 0.28 см га тенг эканлиги аниқланди, яъни хисори зотли қўзиларга нисбатан жайдари зотли қўзилар $0,5$ см га устунлигини кўриш мумкин. Гавданинг қия узунлиги, кўкрак чуқурлиги, кўрсаткичлари ҳам шунга мос равишда 3.3 ; 1.3 эканлигини кўриш мумкин. Кўкрак кенглиги кўрсаткичи хисори зотли қўзиларга нисбатан қоракўл қўй зотли қўзиларда 3.3 см га устунлигини кўриш мумкин. Кўкрак айланаси кўрсаткичи эса хисори зотли қўй зотларида яққол устунлигини кўриш мумкин қоракўл қўй зотли қўзиларга қараганда 6.3 см га юқори. Билакузук айланаси мос равишда учала зотда ҳам бир хил кўрсаткичга эга, яъни $6,1$ см.

Яғрин баландлиги кўрсаткичи асосий кўрсаткичлардан бўлиб, қўзилар ёш даврида жадал ўсиши кузатилди. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки қоракўл зотли қўзиларда 15 кунлигида 45.6 ± 0.04 ; 4,5 ойлигида 60.3 ± 0.47 ; 6 ойлигида 66.2 ± 0.14 ; жайдари зотли қўзиларда 15 кунлигида 45.6 ± 0.19 ; 4,5 ойлигида 53.5 ± 0.15 ; 6 ойлигида 68.0 ± 0.11 ; хисори зотли қўзиларда эса 15 кунлигида 49.9 ± 0.19 ; 4,5 ойлигида 67.2 ± 0.11 ; 6 ойлигида 70.1 ± 0.16 см га тенг. Бу кўрсаткичлардан шу аниқлаш мумкинки қоракўл қўй зоти ҳамда хисори зотли қўзилар 4,5 ойликкача яғрин баландлиги жадал ўзгариб 6 4,5 ойликдан 6 ойликкача ўзгариши сусайган, жайдари зотли қўзиларда эса аксинча 4,5 ойликдан 6 ойликкача ўзгариш катта эканлигини кўриш мумкин.

Бошқа кўрсаткичларда ҳам шунга ўхшаш тенденцияни кузатишимиз мумкин.

Хулоса. Қайд этилган натижалар қоракўл қўй зотли, жайдари зотли ҳамда хисори зотли қўзиларда экстерьер хусусиятларининг шаклланишининг таъсир

этишини кўрсатади ва бу ҳолат гўшт йўналиши учун урчитилаётган қўйларни кўпайтиришда эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. «Qorako‘lchilik sohasini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-3603 sonli qarori. Toshkent. 2018 yil 14 mart. lex.uz
2. «Qorako‘lchilik tarmog‘ini kompleks rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida» gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4420sonli qarori. Toshkent. 2019 yil 16avgust. lex.uz
3. Шацкий А.Д., Кравцевич В.П. “Овцеводство” Учебно пособие. Минск, 2016 год.
4. Асамов С.А., Валиев Р.Г. Селекционно-племенная работа с каракульскими овцами черной окраски. Тр. ВНИИК. Самарканд. 1975. 5-8 с.
5. Ашрати А.С. К Экотипичности черных каракульских овец Афганистана. Автореф.канд.дисс. Душанбе. Отд. биол. АН Тадж. ССР. 1967. 18 с.
6. Suleymanova, M., Rizayeva, D., & Khuseinova, M. (2023). Genetic testing of sheep for prolactin (PRL) gene. *International journal of biological engineering and agriculture*, 2(6), 74-78.
7. Бошмонов, С., Ризаева, Д., & Сулаймонова, М. (2023). Qo ‘ychilikni hozirgi holati va uni rivojlantirish istiqbollari. *Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов*, 1(1), 96-100.
8. Сулейманова, М. К., Ризаева, Д. Т., & Бошмонов, С. С. (2023). Влияние молочной продуктивности каракульских овец разной окраски на живой вес и прирост ягнят. *Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов*, 1(1), 127-129.
9. Сулейманова, М. К. (2023). ВЫДЕЛЕНИЕ ДНК ПЦР МЕТОДОМ ИЗ ХРЯЩЕВОЙ ТКАНИ У ОВЕЦ РАЗНЫХ ГЕНОТИПОВ. *AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIIY JURNALI*, 123-131.